1. **Техника мулкдори ёки унинг вакилини белгиланган намунадаги аризаси:**

Марказнинг__________________________________га

___________________________________________дан
(фуқаронингФ.И.О.)

**А Р И З А**

Фуқаро, ____________________________________ "___"___________ 20___ йилда туғилган, доимий яшаш манзили __________________________________________________

_______________________________________________________________________________

фуқаролик паспорти серияси ва рақами ___________________, ___________________ ИИБ томонидан 20___ йил"___" ___________ даберилган.

Менга тегишли ____________________________________________________________
(сўровнинг қисқача мазмуни)
____________________________________

техникани_____________________________________________________________________
_________________
_____________сўрайман.

(рўйхатдан, қайта ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш)

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

1. Техника олинганлиги ҳақидаги нотариал ҳужжат.

20___ й. "___"__________ ______-сон __________________________ дан берилган.
(қайсинотариалидоратомониданберилган)

2. Техника ишлаб чиқарилган корхона томонидан берилган техник ҳужжат, техник паспорт ёки гувоҳнома.

**Олинган техника ҳақида маълумотлар**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Тури, номи | | 5. | Русуми | |
| 2. | Ишлаб чиқарилган йили | | 6. | Ишлаб чиқарувчиси | |
| 3. | Техник паспорт рақами | | 7. | Корхона (завод) рақами | |
| 4. | Двигатель рақами | | 8. | Шасси рақами | |

Фуқаро ______________ _____________________________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Тел. рақами: _______________

20___ йил "____"_______________

Техник паспорт рақами _____________

Давлат рақами _______________

Давлат рақами _______________

2. **Мулкдор ёки унинг вакили шахсини тасдиқловчи ҳужжат;**
3. **Техниканинг аввалги мулкдорига берилган техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги техник паспорти ёки техник гувоҳномаси;**
4. **Техникага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат:**

   меросга бўлган ҳуқуқ ёки мулкий ҳуқуқлар тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома;

   васиятнома;

   суднинг қарори;

   нотариус томонидан тасдиқланган шартнома (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента ва бошқалар);

   ишлаб чиқарувчи ёки махсус савдо ташкилоти (техникани ишлаб чиқарувчи корхона, унинг вакили ёки воситачи ташкилоти) томонидан бериладиган шартнома ва ҳисоб-маълумотнома;

   Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларининг давлат ижрочилари ҳудудий бошқармаларининг давлат ижрочилари ҳамда аукцион ўтказиш ваколатига эга бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган аукционларда техникаларга эга бўлишни тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

   юқори турувчи давлат органининг техникани бир тизим ичида текинга бериш тўғрисидаги қарори (буйруғи, фармойиши);

   юридик шахснинг юқори турувчи бошқарув органининг юридик шахснинг устав жамғармасига техникани киритиш тўғрисида ёки шу юридик шахснинг иштирокчисига (таъсисчи, аъзо) юридик шахснинг техникани дивиденд сифатида тўлаш тўғрисидаги қарори (иштирокчилар, таъсисчилар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси ёки ягона иштирокчининг қарори);

   давлат божхона хизмати органи томонидан берилган божхона юк декларацияси ҳамда божхона томонидан тақди этиладиган бошқа хужжатлар;

   шахснинг техникани оммавий ўйинда (лотереяда) ютганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

   давлат органининг техникани мукофот (ҳадя) сифатида тақдим этганлиги тўғрисидаги қарорининг нусхаси.

   Мулк ва бошқарув шаклидан қатъи назар барча қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг олди-сотди шартномалари нотариал идоралар орқали амалга оширилади.